



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Пенсия суғуртасининг назарий ва ташкилий асослари

Абиркулов Бобур Абдухаликович

АЖ "UzLife" суғурта компанияси бош директори

Ёзишмалар учун электрон почта: boburiy@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 26.10.2022

Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

Таянч сўз ва иборалар: ҳаёт суғуртаси, жамғариб бориладиган суғурта турлари, пенсия, пенсия суғуртаси.

Аннотация

Мақолада ҳаёт суғуртасининг жамғариб бориладиган суғурта турлари, хусусан пенсия суғуртаси институтининг шаклланиши ва ривожланишининг объектив сабаблари, амалга ошириш механизмлари, пенсия суғуртасининг мамлакат пенсия тизимида тўтган ўрни, амал қилиш афзалликлари ва истиқболдаги ижтимоий ҳимоя тизимини мустақамлашдаги роли баён этилган.

The theoretical and organizational basis of pension insurance

Abirkulov Bobur Abdukhaliqovich

JSC "UzLife" insurance company General director

Corresponding author: email: boburiy@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 26.10.2022

Accepted: 29.11.2022

Key words: life insurance, types of savings insurance, pension, pension insurance.

Abstract

The article describes the types of life insurance, in particular, the objective reasons for the formation and development of the pension insurance institution, implementation mechanisms, the role of pension insurance in the country's pension system, its benefits and its role in strengthening the social protection system in the future.

Кириш

Бутун жаҳон ҳамжамиятини аҳолининг қариши, кексаликда барқарор даромадни таъминлаш зарурати ташвишга солиб келмоқда. Кўплаб мамлакат ҳукуматлари пенсия таъминоти тизимининг таназулга учрашига қарши фаол курашишмоқда ва янги қонунларни ишлаб чиқишмоқда. Бунда уларнинг асосий мақсади суғурта тўловларини кафоталаш юкини давлатдан хусусий секторга ўтказиш ҳисобланади.

Барча ривожланган мамлакатларда пенсия суғуртаси тизими шиддат билан амалиётга жорий этиб келинмоқда, бу аҳолини муайян меҳнатга лаёқатсизлик, ёшга етганда ёки касаллик, шикастланиш ва ногиронлик натижасида ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилиш имконини берадиган самарали ҳимоя воситасга айланиб бормоқда. Тўғри ва объектив шакллантирилган пенсия тизими ҳар

қандай мамлакатнинг келажакдаги ижтимоий ва молиявий кафолатларини таъминлаш асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, пенсия тизимлари ислоҳати аҳоли турмуш даражасининг пасайиши шароитида мажбурий пенсия муаммоларини ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири сифатида ихтиёрий пенсия суғуртасини ривожлантириш зарурати тобора ортиб боради.

Маълумки, пенсия тўловларининг муносиб даражаси ижтимоий йўналтирилган давлатнинг ўзига хос белгиларидан биридир. Шу сабабли, ихтиёрий пенсия суғуртасини ривожлантириш давлат томонидан янада фаолроқ қўллаб-қувватланган ҳолда амалга оширилиши керак бўлади.

Адабиётлар шарҳи

Пенсия суғуртаси мавзуси кўпчилик

мамлакатлар учун жуда долзарбдир, сабаби ҳозирги пенсия тўловлар тизими меҳнат фаолиятини тугаган фуқаролар учун етарли турмуш даражасини таъминлай олмапти. Будаё ҳолат максимал қилиш мумкин бўлган нарса бу ихтиёрий пенсия суғуртасини таъминлаш ҳисобланади [1].

Пенсия суғуртаси – бу ҳаётни суғурталаш турларидан бири бўлиб, суғурта суммасини тўлаш суғурталанган шахс пенсия ёшига, яъни пенсия чиққандан кейин амалга оширилади. У мажбурий ва ихтиёрий кўринишларда бўлади [2].

Пенсия суғуртаси – пенсияга чиқаётган шахсларга умрининг қолган қисмига қўшимча даромад (умр бод пенсия) ёки маълум бир йиллар (вақтинчалик пенсия) билан таъминлаш учун амалга оширилади [3].

Масалан, ҳаётни суғурталашнинг қўйидаги турлари Европа ва АҚШда кенг тарқалган ҳисобланади:

1) Жамғариб бориладиган суғурта, жумладан:

- Белгиланган муддатга (маълум муддатгача яшаш, маълум муддатда ўлиш ва бошқалар);
- умрбод, меросхўрларга (наф олувчиларга) кейинчалик тўлаш билан умрбод жамғармалар яратишни таъминлайдиган турлари;
- умрбод ёки вақтинчалик пенсия тўлашни назарда тутувчи пенсия;
- аралаш, анъанавий равишда маълум бир ёшгача яшаш, ўлим ва суғурталанган шахснинг илтимосига кўра ногиронлик рискларини қамраб олади;

2) инвестиция суғуртаси, инвестиция фондлари, пайларга бирда воситаларига инвестиция қилиш орқали жамғармаларни шакллантириш [4].

Ихтиёрий пенсия суғуртаси аслида жамғариб бориладиган суғурта тури бўлиб, бунда суғурталанган шахс келажакдаги пенсиясини мустақил равишда шакллантириб боради. [5]

Бутун дунёда бозор муносабатлари шароитида фуқаролар ўз меҳнат фаолиятини тугатгандан кейин муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун ихтиёрий пенсия суғуртасидан фаол фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, давлат ихтиёрий пенсия суғуртасининг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб, фуқароларнинг ташаббусини ҳам фаол қўллаб-қувватламоқда (пухта ишлаб чиқилган қонунчилик тизими, суғурта компанияларининг рухсат этилган фаолияти чегаралари ва бошқалар). Натижада ривожланган мамлакатларда мажбурий ва ихтиёрий воситалари ўртасидаги ўзвийлик асосида қурилган барқарор пенсия тизими мавжуд [6],[7],[8].

Суғурта соҳасидаги иқтисодчиларнинг фикрига кўра, Россияда ихтиёрий пенсия суғуртаси ундан фойдаланишнинг афзалликларига қарамай, ҳали ривожланиш тенденцияларини намоён этмаяпти [9], [10]. Ихтиёрий пенсия суғуртаси пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини самарали ташкил этиш қодир [11], [12], [13], шунингдек, пенсиянерлар ҳаётидаги кўплаб молиявий рискларни зарарлантириши мумкин бўлади [14], [15], [16], аммо

бу ҳали ҳам улар томонидан молиявий режалаштириш воситаси сифатида қабул қилинмайди. Бунинг асосий сабаблари фуқароларнинг ўз келажакларини молиявий қуриш имкониятига эҳтиёткорона ёндашадилар, шунингдек молиявий режалаштиришнинг ихтиёрий воситаларини жорий этишда давлат иштирокининг суғурта даражада эканлиги.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида фақат мажбурий ва ихтиёрий суғурта тизимининг мутаносиб тизимлашган тизимигина ҳар қандай мамлакат пенсия ёшидаги фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлай олади. Шу сабабли ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида ихтиёрий пенсия суғуртасини ривожлантиришда давлатнинг ўзи манфаатдор бўлиши керак [17].

Синько ва Кособоковалар (2015) ихтиёрий пенсия суғуртасига қўйидагича таърий беришади, яъни ихтиёрий пенсия суғуртаси – бу жамғариладиган суғурта бўлиб, у суғурталанган шахснинг ўз келажакдаги пенсиясини шакллантиришидир. Пенсияни шакллантиришнинг ушбу механизмидан фойдаланишнинг асосий сабаблари орасида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ихтиёрий пенсия суғуртаси фуқарога пенсияга чиққандан сўнг ўзини ёки яқинларини умрбод даромад билан таъминлаш имконини беради, бу давлат пенсия тизмига боғлиқ бўлмайди;
- ихтиёрий пенсия суғуртаси мажбурий пенсия суғуртаси доирасида ишлаб чиқилган суғурта пенсиясини қўшимча ошириш ҳисобига ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларли даражада яхшилаш имкониятидир;
- тўғри шакллантирилган пенсия суғуртаси дастури ёрдамида фуқаро ўзига ёки яқинлари учун қимматбаҳо кўчмас мулк объектлари сотиб олиши мумкин бўлади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида жамғариб бориладиган суғурта турлари, пенсия суғуртасининг вужудга келиши ва шаклланишининг назарий асослари ўрганилди, суғурта турлари ва пенсия тизимларининг солиштирма таҳлили, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди ва фикрлар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Умум қабул қилинган классификацияга кўра, пенсия суғуртаси жамғариб бориладиган ҳаётни суғурталаш турларидан бири ҳисобланади. Гарчи унинг ривожланиш суръатлари бошқа ҳаёт суғурта турларига қараганда нисбатан паст бўлишига қарамай келажакда бир неча йил ичида экспертлар уни суғурта бозорининг ушбу сегментида бир нечабор ўсиши ва ўз ўрнини топишига башорат қилмоқдалар

Ҳозирги кунда ҳаётни суғурталаш нафақат

бахтсиз ҳодиса, ўлим ёки маълум муддатда тирик қолганда моддий таъминот билан боғлиқ мулкий манфаатларни ҳимоя қилиш усули, балки жисмоний шахслар учун узоқ муддатли молиявий режалаштириш ҳамда уларни амалга ошириш воситасидир. Шунингдек зарур ҳимоя даражасини ва чекланмаган даромад олиш имкониятини оптимал тарзда бирлаштирган инвестиция фаолияти ҳамдир.

Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасидан фойдаланганда суғурталанувчиларнинг маблағлари жамғармаларга айланади. Буни амалга ошириш учун, бизнинг фикримизча қўйидаги шартлар бажарилиши керак бўлади:

1) Тўловлилик. Жамғариш жараёнида суғурта шартномасининг бутун муддати давомида суғурта мукофотлари шаклидаги маълум миқдордаги пул маблағларини тизимли равишда тўланишини назарда тутаяди, бу суғурта компаниялар томонидан математик асосда захираларни шакллантиришни назарда тутаяди.

2) Қайтишлилик. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида ўлим rischi амалга ошган тақдирда суғурта компанияси наф олувчига суғурта қопламасини тўлаш мажбуриятини олади (суғурталанувчи томонидан ўша вақтга қадар тўланган суғурта мукофотлари суммасининг бир неча баравари миқдорида тўлов амалга оширилади). Агар маълум бир ёшгача омон қолиш rischi юзага келган тақдирда, суғурта компанияси суғурталанувчига (суғурталанган шахсга ёки наф олувчига) қўшимча равишда инвестиция даромади (йиғиб борилган) миқдорига қўпайтирилган кафолатланган суғурта суммасини (ҳаётни суғурталашнинг бутун даври давомида суғурта мукофотлари ҳисобидан шакллантирилган) тўлаш мажбуриятини олади. Шунинг учун суғурта тўловининг бир қисми сифатида тўпланган суғурта мукофотлари юз фоиз қайтарилиши назарда тутилади.

3) Муддатлилик. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси шартномаси маълум муддатга тузилиши ва шу билан бирга узоқ муддатли характерга эга бўлиши кераклиги, агар ўлим rischi учун тўлов эҳтимолий хусусиятга эга бўлса, у ҳолда маълум ёшгача тирик қолиш rischi келажакдаги маълум бир сана билан белгиланиши керак бўлади.

4) Даромадлилик. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси шартномалари шартномада белгиланган (кафолатланган) ёки суғурта компаниясининг инвестиция фаолияти натижаларига қараб кафолатланган суммасига қўшимча равишда белгиланган муддатда тўпланган инвестиция даромадларини тўлашда ифодаланган даромадлиликга эга бўлиши керак.

Умуман олганда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси бизнинг фикримизга кўра ҳаётни суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ руёхатини намоён этади, бу уни бошқа шахсий ва мулкий суғурта турларидан ажратиб туради. Бундай

суғурта ижтимоий аҳамиятга яқин эканлиги билан ажралиб туради, чунки у кексаликнинг бошланиши, боқувчисини йўқотганлик, ногиронлик, меҳнатга лаёқатсизлик, суғурталанган шахснинг вафоти каби ижтимоий riskларни қоплаши мумкин бўлади. Бундан ташқари, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган узоқ муддатли инвестицияларга айланиши мумкин бўлган суғурта захираларини яратиш имконини беради.

Ҳаётни суғурталашнинг масалаларига бағишланган иқтисодий адабиётлар таҳили натижасида бу борада ягона ёндашув йўқлигини кўришимиз мумкин. Шу муносабат билан биз жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси тушунчасига аниқлик киритиш лозимлигини таъкидлаймиз.

Бизнинг фикримизча, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси – бу тўловлилик (суғурта мукофоти), муддатлилик (суғурта муддати), қайтарувчанлик (суғурта тўлови) ёки даромадлилик (қўшимча инвестицион даромад) шартлари бўйича суғурта riskини амалга ошириш салбий ёки ижобий оқибатларни юзага келиши натижасида жисмоний шахсларнинг (суғурталанувчи, суғурталанган шахс) мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муносабатлардир. Шу билан бирга жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг объектлари бу фуқароларнинг маълум бир ёшга ёки даврга қадар омон қолиши ёхуд бошқа ҳодисаларнинг содир бўлиши, шунингдек уларнинг вафот этиши билан боғлиқ мулкий манфаатлари ҳисобланади. Суғурталанган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнатга лаёқатлиги ва пенсия таъминоти жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг предмети ҳисобланади. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси тарифлашга бундай ёндашув суғурта муносабатларининг замонавий ривожланиш воқийликларида ҳаётни суғурталашнинг иқтисодий моҳиятини тўғрироқ акс эттириш имконини беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда жамғариб бориладиган суғурта турларида ўз ўрнини тўлақонли намоён этмаган ва юқори потенциалга эга пенсия суғуртасини кўриб чиқсак. Миллий қонунчиликка асосланган ҳолда шуни айтиш мумкин, пенсия суғуртаси бизнинг амалиётда ҳам ҳаётни суғурта қилиш соҳасида тегишлидир (қаранг 1-жадвал).

Шуни таъкидлаш керак, ихтиёрий пенсия суғуртаси доирасида тўловларнинг бир неча шакллари мавжуд:

- Пенсияга чиққанда бир марталик тўлов;
- умурбод пенсия тўлови;
- кафолатланган тўлов муддати билан умрбод пенсия тўлови (суғурталанган шахс ушбу муддатдан олдин вафот этган тақдирда тўловлар унинг меросхўрларига тўланади).

Ҳаёнти суғурта қилиш соҳаси¹

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	Қуйидаги ҳолларда суғурта суммалари тўлаш бўйича суғурталовчининг мажбуриятларини назарда тутувчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари мажмуи: суғурта қилинувчининг суғурта муддати тамом бўлгунгача ёки суғурта шартномасида белгиланган ёшгача яшаши; суғурта қилинувчининг вафот этиши; шунингдек суғурта шартномаси амал қилиши давридаги жорий тўловлар (аннуитетлар), III класс бундан мустасно
II класс	Никоҳ ва туғилиш	Никоҳга киришда ёки бола туғилганда суғурта суммаси тўланишини таъминловчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари мажмуи
III класс	Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш	Умрбод рента тўланиши билан биргаликда ҳаётни суғурта қилиш турлари мажмуи
IV класс	Соғлиқни суғурта қилиш	Кўрсатиб ўтилган суғурта даври камида беш йилдан кам бўлмаган муддатга ёки суғурта қилинувчининг пенсия ёшига етгунига қадар белгиланиши шarti билан бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса ёки касаллик ёки касалланиш туфайли қаттиқ шикастланиш натижасида меҳнатга лаёқатлиликини йўқотганда суғурта суммалари тўланишини таъминловчи ҳаётни суғурта қилиш турлари мажмуи. Бунда шартномада кўрсатилган суғурта даври суғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас
V класс	Мажбуриятларни таъминлаш учун ҳаётни суғурталаш	Суғурталанган шахс ушбу ҳодисадан олдин (қарз муддати тугагунига қадар омон қолиш ёки бошқа мажбуриятни тўлиқ бажариш) вафот этган тақдирда суғурталанган шахснинг наф олувчилари ва (ёки) суғурталанган шахснинг мажбуриятлари бўлган шахсга ушбу мажбурият доирасида суғурта суммасини тўлашни таъминлайдиган муайян ҳодиса (қарз муддати тугагунига қадар омон қолиш ёки бошқа мажбуриятни тўлиқ бажариш)да суғурта тўловисиз (суғурта мукофотини қайтармасдан) ҳаётни суғурталаш турларининг мажмуи
VI класс	Узоқ муддатли ихтиёрий пенсия суғуртаси	Суғурталанган шахс томонидан амалга ошириладиган ва суғурталанган шахс пенсия ёшига етганида суғурта шартномасида белгиланган ойлик рента ёки бир марталик тўлов шаклида суғурта суммаларини тўлашни таъминлайдиган ҳаётни суғурталаш турларининг мажмуи
VII класс	Капитални қайтариш билан ҳаётни суғурталаш	Суғурта қилдирувчи қўйилган маблағларнинг қайтмаслик хавфида иштирок этган шартда, тўланган суғурта мукофотлари ва суғурта тўловининг кафолатланган миқдори ва суғурта шартномасида белгиланган тўлов муддати доирасида инвестиция объектини жойлаштириш ва аниқлаш масаласини ечишда суғурта қилдирувчининг иштироки билан ҳаётни суғурталаш турлари мажмуи

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ихтиёрий пенсия суғуртаси полисининг нархи суғуртаданган шахснинг жинси ва ёшига, пенсия жамғармаси даврига, пенсиянинг режалаштирилган миқдорига ва танланган тўлов шаклига қараб ўзгариб туради. Шу билан бирга, суғурта полисини сотиб олаётганда тўлов амалга ошириладиган ёшни ҳам, суғурта мукофотларини тўлаш даврларини ҳам танлаш мумкин бўлди.

Ихтиёрий пенсия суғурта дастурининг афзаллиги шундаки, суғурталанган шахс тўлов муддатидан олдин вафот этган тақдирда, шартномада назарда тутилган сумма суғурталанган шахснинг

меросхўрларига тўлаб берилади. Шунингдек, кўпгина суғурта компаниялари пенсия суғуртаси шартномасини тузишда инфляциянинг салбий кўринишларини қисман қоплаши учун тузатиш коэффициентларини белгилайдилар, бу ўз навбатида замонавий шароитда алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, пенсия суғуртаси шартномасининг амал қилиш муддати давомида ҳаётий шароитларга қараб шартларни (тўловлар миқдори, ёшни) ўзгартириш ёки суғурталанган шахсни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш ёхуд суғурталанган шахс вафот этган тақдирда оиласини ҳимоя қилиш учун қўшимча вариантларни киритиш

¹ Қонунчилик ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

мумкин.

Шунингдек, кенг тарқалган нодавлат пенсия жамғармаларининг (Ўзбекистонда мавжуд эмас) шунга ўхшаш дастурлари билан таққослаганда пенсия суғуртаси дастурларининг қўйидаги афзалликларини ажратиш мумкин:

- Дастурда суғурта қисмининг мавжудлиги, ҳатто суғурталанган шахс ўз пенсиясини тўлов муддати бошлангунга қадар вафот этса ҳам унинг жамғармасининг барса суммаси суғурталанган шахснинг оиласига тўлаб берилади;
 - агар суғурталанган шахс пенсия ёшига қадар ногирон бўлиб қолса ҳам суғурта дастури ўз кучида қолади, шунингдек суғурталанган шахс суғурта мукофотларини кейинги тўловларидан озод қилиниши мумкин;
 - пенсия суғуртаси дастурининг амал қилиш муддати давомида маълум бир касаллик аниқланган тақдирда, суғурталанган шахс келишилган миқдорда бир марталик тўлов олиши мумкин бўлади.
- Суғурталанувчилар учун ихтиёрий пенсия суғуртаси муносабатларидан фойдаланишнинг афзалликлари эса қўйидагилардан иборат:
- Жамғариш даврида ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқиб қўшимча пенсия миқдорини мустақил равишда белгилаш имконияти;
 - суғурталанган шахснинг ўзгарувчан молиявий аҳволига мувофиқ амалдаги шартнома шартларини ва қўшимча пенсиянинг келажакдаги миқдорини қайта кўриб чиқиш имконияти;
 - ихтиёрий пенсия суғуртаси шартномаси амал қилиш даврида тўпланган маблағларни меросхўрларга ёки сурталанувчининг бевақт вафоти тақдирда наф олувчига ўтказилиш кафолати;

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда, таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ихтиёрий пенсия суғуртасининг ривожланиши биринчи навбатда аҳоли даромадларининг ўсиши ва уларнинг жамғарма хулқ-атвори билан боғлиқдир. Бинобарин, давлатнинг ихтиёрий пенсия суғуртасини ривожлантиришдаги иштироки ҳам мамлакатда аҳоли турмуш даражасини оширишда, ҳамда ўрта синфни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратишда намоён бўлиши, бу эса ўз навбатида уларни ихтиёрий пенсия суғуртаси маҳсулотларининг асосий истеъмолчисига айлантириши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пенсия суғуртасининг янги тизимининг жорий этилиши амалдаги пенсия миқдорларини ошишига олиб келиши шак-шубҳасиздир. Бу фуқароларга пенсиянинг молиялаштириладиган қисми масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини беради, шунинг учун келажакдаги пенсия миқдорлари уларнинг ўзларига бевосита боғлиқ бўлади. Аммо пенсия суғуртасининг бозор модели индивидуал суғурталанган шахснинг шахсий

- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ўзоқ бўлганлиги сабабли қисқа муддатли тебранишларга унчалик мойил бўлмаган суғурта заҳираларини шакллантирган суғурталовчи томонидан инвестиция киритиш йўли билан қўшимча инвестиция даромадларини олиш имконияти;

- солиқ имтиёзлари олиш имкониятлари.

Ихтиёрий пенсия суғуртасини ривожлантириш суғурталовчилар учун ҳам, умуман бутун молия бозори учун ҳам бирдек фойдали ҳисобланади. Бундай шартномаларни тузиш натижасида суғурта компаниялари ўз ихтиёрига катта миқдордаги молиявий ресурсларни олади, бундай инвестиция имкониятлари уларга қўшимча даромад олиш имконини беради.

Давлат учун ихтиёрий пенсия суғуртасининг барқарор фаолият кўрсатиши кенг истиқболларни очади. Биринчидан, ушбу молиявий воситани жорий этиш ва ривожлантириш иқтисодиётга узоқ вақт давомида иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган “узоқ пуллар”ни инвестиция қилиш имконини беради. Иккинчидан, ушбу восита пенсия тизимини ислоҳ қилишни амалга оширишида ижобий имкониятлар беради.

Бунда ишбевуручилар ихтиёрий пенсия суғуртаси воситаларидан фаол фойдаланиш орқали ҳам катта фойда кўришлари мумкин, сабаби иш бевуручи нуқтаи назардан ихтиёрий пенсия суғуртаси шартномасини тузиш мажбурий пенсия суғуртаси бўйича ижтимоий тўловларни тўлашдан кўра иқтисодий параметрлар бўйича фойдалироқдир. Шунинг учун ихтиёрий пенсия суғуртаси хорижий мамлакатларда ходимларни бошқариш соҳасида фаол ишлатилиб келинмоқда [19].

жавобгарлигининг намоён бўлишини, уларнинг бирдамлигини талаб қиладди. Уни амалга ошириш молиявий базани яратишда барча суғурта субъектларининг иштирокини талаб қиладди. Бундан ташқари, ислоҳ қилинадиган пенсия тизимларида пенсия суғурасини жорий этишда жисмоний шахслардан суғурта масалаларида онгли ва тезкор бўлишларини, кўплаб ижтимоий вазиятлар ва масалаларни олдиндан кўра билишни талаб қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шубҳасиз, бу фуқароларнинг ўз манфаатларини ва муаммоларини тушиниш ва ҳаётларини минималмолиявий рисклар билан имкон қадар фойдали тарзда бошқаришларини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дмитриева И. Е. Государственные и муниципальные финансы: учеб. пособие для студ. эконом. вузов / И. Е. Дмитриева, Н. А. Биндасова. - Саратов: Вузовское образование, 2016. - 154 с.
2. Быкова Н.Н., Курилова А.А. Вопросы пенсионного страхования в российской федерации. Карельский научный журнал. 2017. Т. 6. № 4(21) 136-140 стр.

3. Овчарова Л.Н. Страхование жизни: понятие, классификация, специфика. Учет и статистика 2008 №12. - 234-239 стр
4. Е.Л. Прокопьева Подходы к определению и классификации страхования жизни: проблемы теории и практики, Финансы и кредит №28 (604) – 2014 56-62 стр.
5. Обухов А. А. Развитие добровольного пенсионного страхования. Пробелы в российском законодательстве №3'2018 200-202 стр.
6. Бахматов С.А. Пенсионное страхование как актуальное направление развития страхования жизни в современных условиях [Электронный ресурс] / С.А. Бахматов, Л.С. Бородавко, Е.В. Семенова // Baikal Research Journal. - 2019. - Т. 10, № 1. - DOI: 10.17150/2411-6262.2019.10(1).4.
7. Бородавко Л.С. Инвестиционное страхование жизни: первые итоги реализации программ в России / Л.С. Бородавко, Е.В. Семенова // Экономика устойчивого развития. - 2018. - № 4 (36). - С. 26–31.
8. Андреева Е.В. Страхование жизни: социально-экономическое значение и направления развития / Е.В. Андреева, О.И. Русакова, Е.М. Хитрова. -Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2013. - 160 с.
9. Синько Ю.В. Система добровольного пенсионного страхования в экономике страны / Ю.В. Синько, Е.В. Кособокова // Век качества. - 2015. - № 3. - С. 47–54.
10. Аникеева Л.В. Корпоративное пенсионное страхование как элемент управления персоналом / Л.В. Аникеева // Управление. - 2017. - № 3 (17). - С. 17–20.
11. Агеева Е.В. Подходы к роли социальной защиты в жизни общества и современные вызовы, стоящие перед ней / Е.В. Агеева // Baikal Research Journal. - 2017. - Т. 8, № 2. - DOI: 10.17150/2411-6262.2017.8(2).33.
12. Останин В.А. Страховой рынок в концепции качества жизни населения / В.А. Останин, Ю.В. Рожков // Сибирская финансовая школа. - 2012. - № 6. -С. 111–114.
13. Самаруха В.И. Роль социальной сферы в повышении качества жизни населения / В.И. Самаруха, Л.В. Гуляева // Известия Иркутской государственной экономической академии. - 2011. - № 4 (78). - С. 46–50.
14. Федотов Д.Ю. Финансовая форма управления пенсионными рисками / Д.Ю. Федотов // Известия Иркутской государственной экономической академии. - 2010. - № 3 (71). - С. 15–20.
15. Бахматов С.А. Риск в накопительном страховании жизни: сущность и методы оценки / С.А. Бахматов, Е.В. Семенова // Известия Иркутской государственной экономической академии. - 2014. - № 2 (94). - С. 5–12.
16. Бахматов С.А. Современные подходы к определению сущности страхования жизни / С.А. Бахматов, Е.В. Семенова // Известия Иркутской государственной экономической академии. - 2015. - Т. 25, № 1. - С. 60–66. - DOI: 10.17150/1993-3541.2015.25(1).60-66
17. Бахматов С.А. Развитие добровольного пенсионного страхования в Российской Федерации / С.А. Бахматов, Л.С. Бородавко, Е.В. Семенова // Известия Байкальского государственного университета. - 2019. - Т. 29, № 2. - С. 244–252. - DOI: 10.17150/2500-2759.2019.29(2).244-252.
18. Синько Ю.В., Кособокова Е.В. Система добровольного пенсионного страхования в экономике страны // Электронный научный журнал «Век качества». 2015. №3. С. 47-54.
19. Аникеева Л.В. (2017) Корпоративное пенсионное страхование как элемент управления персоналом / Л.В. Аникеева // Управление. - № 3(17). - С. 17–20.